

**ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИКБОЛЛАРИ**

*Xujamberdiyev T.  
Ipak Yo'li Innovatsiyalar  
Universiteti katta o'qituvchisi  
Email.Xujamberdiyev  
Tulkin@mail.com.*

**Аннотация.** Ушбу илмий мақолада «яшил» иқтисодиётни ривожлантириш тенденциялари, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича мақсад ва вазифалари ёритилган. “Яшил” иқтисодиётни амалга ошириш бўйича мавжуд хавфларни бартараф этиш бўйича таклифлар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** «яшил» иқтисодиёт, атроф-муҳит, ресурслар, яшил инвестиция, минимал заар, товар, хизмат, концепция, барқарор ривожланиш, «яшил» инфратузилма.

**Аннотация.** В данной научной статье освещены тенденции развития «зеленой» экономики, цели и задачи по повышению ее конкурентоспособности за счет модернизации и диверсификации ведущих отраслей экономики. Выдвинуты предложения по устранению имеющихся рисков по реализации «зеленой» экономики.

**Ключевые слова:** «зеленая» экономика, окружающая среда, ресурсы, зеленые инвестиции, минимальный ущерб, товары, услуги, концепция, устойчивое развитие, «зеленая» инфраструктура.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) томонидан илгари сурилаётган «Барқарор ривожланиш» концепцияси дунё мамлакатларининг асосий мақсадига айланган. XXI асрда барча давлатларнинг юқори иқтисодий ўсишга эришиш мақсади барқарор ривожланиш мақсади билан алмашди[4 ]. Бу, ўз навбатида, жаҳон иқтисодиётнинг барча йўналишлари: қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт, молия, энергетика, қурилиш соҳалари барчаси “яшил” тус олиши мухимлигини англаради.

2023 йилнинг 29 сентябрида Вазирлар Маҳкамасининг «Яшил» иқтисодиётга ўтиш жараёнини бошқариш тизимини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги 514-сонли қарори қабул қилинди[3]. Мазкур қарорнинг 2-бандига асосан мамлакатдаги республика ижро этувчи органлар ва устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик бирлашмалари раҳбарларига 2 ҳафта муддатда буйруқ ёки қарор чиқариб:

- ✓ амалдаги раҳбар ўринбосарларидан бирига «яшил» иқтисодиёт масалаларини мувофиқлаштириш вазифасини юклатиш;
- ✓ мавжуд штат бирликлари доирасида «яшил» иқтисодиёт масалалари билан шуғулланишга масъул бўлинма белгилаш, шунингдек, унинг мақсад ва вазифаларини назарда тутувчи низом тасдиқлаш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси 2015 йилдан кейинги даврда БМТ томонидан 2030 йилгача мулжалланган 17 та мақсад ва 169 та вазифалардан иборат барқарор тараққиёт дастурини қўллаб-қувватлаб, барқарор ривожланишни учта соҳалари (иқтисодий, экологик ва ижтимоий) бўйича комплекс ишларни олиб боришини маълум қилди. Барқарор тараққиёт 2030 дастури янги 17 та Барқарор тараққиёт мақсадлари (БТМ) дан, ёки Глобал мақсадлардан иборат бўлиб, кейинги 15 йиллик даврдаги умумжаҳон сиёсати ва сармоялар йўналишларини белгилаб берувчи дастурдир

“Яшил” иқтисодиёт тизимининг асосий мақсади сайёрамизнинг экологияси ва уни сақлаб қолиш билан бирга иқтисодиётнинг барча соҳаларини ривожлантиришга қаратилган. “Яшил” иқтисодиёт деганда, инсоният учун зарур бўлган ресурсларни, атроф-мухит ва экологияни бир бутун ҳолда сақлаб қолиб ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари билан боғлиқ иқтисодиётни янада ривожлантиришни амалга оширишга асосланган иқтисодий фаолиятнинг алоҳида йўналиши тушунилади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясида белгилangan вазифаларни изчил амалга ошириш[1], шунингдек, Париж битими (Париж, 2015 йил 12 декабрь) мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш, иқтисодиётнинг базавий тармоклари энергия самарадорлигини ошириш, иқлим ўзгариши оқибатларига мослашиш ва уларни юмшатиш, “яшил” иқтисодиётни қўллаб-куватлашнинг молиявий ва номолиявий механизmlарини ишлаб чиқиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси тасдиқланди .

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҲТТ) прогнозларига кўра, замонавий ишлаб чиқариш усувлари ва истеъмол даражаси билан 2050 йилга келиб, 2000 йилга нисбатан дунё ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг 61 фоиздан 72 фоизгacha қисмини йўқотади, 7,5 миллион квадрат метр майдонда эса табиий ҳудудларнинг хавфсизлиги қайтарилмас даражада бузилади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти эксперtlари «яшил» иқтисодиётни “инсон фаровонлигини яхшилайдиган ва ижтимоий адолатни таъминлайдиган, шу билан бирга атроф-мухит учун хавфларни сезиларли даражада камайтирадиган” иқтисодий фаолият сифатида кўриб чиқади. Республикамизда «яшил»

иқтисодиётда қуидаги йўналишларнинг трансформациясини амалга оширишни таклиф қиласиз:

1. Қайта тикланадиган манбаларни жорий этиш.
2. Чиқиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш.
3. Сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш.
4. “Тоза” (барқарор, «яшил») транспортни ривожлантириш.
5. “Органик қишлоқ хўжалиги” талабларини ишлаб чиқиш (бунда дехқончиликда гербицидлар, пестицидлар, шунингдек сунъий ўғитлардан фойдаланишни минималлаштириш назарда тутилади).
6. Уй-жой коммунал хўжалигига энергия самарадорлиги.

Яшил иқтисодиёт барқарор ривожланиш концепцияси билан чамбарчас бўлиб, "Барқарор ривожланиш" атамаси 1983-йилда атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича Бутунжаҳон комиссияси томонидан ишлаб чиқилган. У атроф-муҳитнинг тез таназзулга учраши ва иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг таъсири борасида ортиб бораётган хавотирларга жавобан концепция сифатида тан олинган. Барқарор ривожланиш иқтисодий, ижтимоий ва экологик компонентларнинг самарали ўзаро таъсирини ўз ичига олади ва «яшил» иқтисодиётта универсал эришишга қаратилган ушбу компонентлар ўртасида уйғун мувофиқликни таъминлайди. Барқарор ривожланишни таъминлаш «яшил» иқтисодиётнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Ҳар бир давлат ўз ҳудудида, миңтақаларда «яшил иқтисодиёт»ни жорий қилишни амалга оширап экан, аввалом бор, ҳудудларнинг табиий, экологик, ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини аниқ баҳолаган бўлиши лозим. “Кўнғир иқтисодиёт” амал қилиб турган даврда юзага келган муаммолар ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқ ва мукаммал таҳлил қилган ҳолда “«яшил иқтисодиёт»ни жорий қилишнинг устувор йўналишларини, манзилларини аниқлаштириб олмоғи лозим.

«Яшил иқтисодиёт»га ўтиш йўналишлари илмий асосланган ҳолда белгиланиши, тадқиқотларнинг самарадорлигини ошириш учун давлат «яшил иқтисодиёт»га ўтиш тамойилларининг устувор йўналишлари бўйича илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш бўйича рағбатлантириш чораларини ҳам кўриши лозим. Кўп ҳолларда давлат ҳудудларда миңтақавий сиёsatни амалга оширганда тармоқлар бўйича дастурлар шакллантирилади ва амалга оширилади.

Бундай ҳолларда комплекс ёндошув талаб этилади, «Яшил иқтисодиёт»ни жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича миңтақавий сиёsatни амалга оширганда эса экотизимли ёндошувга асосланишни муаллиф тавсия этади. Ҳудудларда «яшил иқтисодиёт»ни жорий қилишда амалга ошириладиган миңтақавий сиёsat барча тадбирларни қамраб оловчи мажмуали ёндошувга асосланган бўлиши лозим. Ҳозирда «яшил иқтисодиёт»ни ривожлантиришда юқори натижаларга

эришаётган мамлакатларда уларни жорий қилишда давлат томонидан комплекс чоратадбирлар амалга оширилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги ПҚ-436-сонли “2030 йилгача ўзбекистон республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш бўйича чоратадбирлар тўғрисида” Қарорда 2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси доирасида “яшил” ва инклюзив иқтисодий ўсишни таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ҳамда иқтисодиётнинг барча тармоқларида ресурсларни тежашни янада кенгайтириш мақсад қилиб олинган[2].

Ушбу мақсадга эришишга мўлжалланган 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида “яшил” иқтисодиётга ўтиш ва “яшил” ўсишни таъминлаш дастурининг 1-иловасига мувофиқ[5]: иссиқхона газларининг ялпи ички маҳсулот бирлигига нисбатан солишишторма ажратмаларини 2010 йилдаги даражадан 35 фоизга қисқартириш; қайта тикланувчи энергия манбаларининг ишлаб чиқариш қувватини 15 ГВтга ошириш ва уларнинг улушини электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 30 фоизидан кўпроғига етказиш; саноат соҳасида энергия самарадорлигини камида 20 фоизга ошириш; ялпи ички маҳсулот бирлигига тўғри келадиган энергия сарфи ҳажмини, шу жумладан, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш ҳисобига 30 фоизга камайтириш; иқтисодиётнинг барча тармоқларида сувдан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш, 1 миллион гектаргача майдонда сув тежовчи суғориш технологиясини жорий этиш; йилига 200 миллион кўчат экиш ва кўчатларнинг умумий сонини 1 миллиардан ошириш орқали шаҳарлардаги яшил майдонларни 30 фоиздан ортиқроққа кенгайтириш; республика ўрмон фондидан захиралари кўрсаткичини 90 миллион куб метрдан ортиқроққа етказиш; ҳосил бўладиган қаттиқ майший чиқиндиларни қайта ишлаш даражасини 65 фоиздан ошириш.

Ўзбекистон Республикасида барқарор тараққиёт мақсадлари иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг асосий принциплари ҳисобланади. Бунинг доирасида юзага келаётган бозор механизмлари инновацияга асосланган ҳолда табиатни муҳофаза қилишга оид ва ижтимоий сиёsat билан мақбул тарзда уйғунлашади. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида катта қонунчилик базаси яратилган. Атрофдаги табиий муҳитни мониторинг қилиш тизимини модернизациялашга устувор аҳамият берилмоқда, бу мавжуд муаммоларни комплекс ҳал қилиш имконини беради. Қаттиқ майший чиқиндиларни давлат-хусусий шериклик

асосида утилизация қилиш ва қайта ишлаш технологияларини жорий этган ҳолда уларни комплекс бошқариш кластерлари яратилган.

Бу кўп жиҳатдан қуйидагилар билан боғлиқ. Ўзбекистоннинг ўзига хос иқлим ва географик хусусиятлари, унинг ноёб экотизимлари ва атроф муҳит, энергия ишлатишга камайтиришга, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларда энергия тежовчи технологияларни жорий этишига қаратилган инновацион сиёсат устуворликлари; энергия самарадорлигини ошириш ва энергиянинг қайта тикланувчи манбаларини ривожлантириш, энергия тежовчи ва кам углерод сарфлайдиган саноатни ривожлантириш, экосоҳани тиклашнинг муҳим лойиҳаларини амалга ошириш, экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириш бўйича миллий сиёсат ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Юртимизда қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш дастлабки босқичда, аммо «яшил» иқтисодиёт сари қадамлар мақсадли равища қўйилмоқда. 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистоннинг атроф-муҳитни ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатида ҳам «яшил» иқтисодиётнинг аҳамияти устувор.

Бироқ, қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш борасидаги тўсиқларни ҳам кўрсатиш лозим:

- бозор шароитида анъанавий қазиб олинадиган ёқилғиларга нисбатан паст рақобатбардошлиқ;
- қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни қўллаб-қувватлаш бўйича дастурларнинг этишмаслиги;
- «яшил» иқтисодиёт истиқболлари бўйича илмий истиқболларнинг этарли даражада эмаслиги.

Санаб ўтганимиз муаммолар ечими сифатида қуйидагиларни санаб ўтамиз:

- иқтисодиётни «яшил»лаштиришни жадаллаштириш бўйича иқтисодий рағбатлантириш индексларини яратиш;
- атроф-муҳит ва ҳавонинг ифлосланиши бўйича солиқ тизимини ислоҳ қилиш ва аниқ индикаторларни ишлаб чиқиш;
- экологик тоза ишлаб чиқаришни рағбатлантириш учун барқарор ривожлантириш тамойилларини жорий қилиш;
- «яшил» инфратузилмага давлат инвестицияларини ошириш;
- «яшил» иқтисодиёт ривожига халал берадиган самарасиз субсидияларни бекор қилиш.

Таклиф этилган чора-тадбирларни амалга ошириш глобал «яшил» иқтисодиёт мақсадларига эришишда бирламчи омил бўлиши билан бирга нафақат иқтисодий рақобатбардошлиқни оширади, балки халқимизнинг ҳаёт сифатини ҳам яхшилади.

“Яшил иқтисодиёт”га ўтишнинг муҳим вазифалари қаторига иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш, минтақаларда барқарор ишлаб чиқаришни таъминлаш ва табиий ресурсларни оқилона истеъмол қилиш киради. Ушбу Стратегиянинг асосий мақсадларига, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кўпайтириш орқали Ўзбекистон 2030-йилга бориб энергиянинг умумий таркибидаги қайта тикланадиган энергия улушкини 30 фоизга етказишни мақсад қилган. Бунга янги шамол, қуёш ва гидроэлектр станцияларини қуриш, шунингдек, модернизация қилиш орқали эришилмоқда.

Қишлоқ хўжалигига қуёш, шамол ва биогаз каби қайта тикланадиган энергия манбаларини қўллаш иссиқхона газлари чиқиндиларини ва қазиб олинадиган ёқилғига қарамликни камайтиришга ёрдам беради. Хусусан, мамлакатда сўнгги 4 йил ичидаги қуёш ва шамол электр станцияларни қуриш бўйича халқаро компаниялар билан ҳамкорликда 10 та битим имзоланди. Умумий қуввати 1000 МВт бўлган қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш бўйича 3 та йирик лойиҳалар шакллантирилди: Биринчиси. Бухоро, Наманган ва Хоразм вилоятларида умумий қуввати 500 Мегаватт бўлган қуёш фотоэлектр станциялари; Иккинчиси. Қашқадарё вилоятининг Гузор туманида 300 Мегаватт қувватли минтақадаги йирик қуёш электр станцияси ҳамда энергияни сақловчи маҳсус тизимлар; Учинчиси. Қорақалпоғистон Республикасида 200 Мегаватт қувватли шамол электр станцияси.

Шунингдек, 2021-йилнинг август ойида Навоий вилоятининг Кармана туманида биринчи 100 Мегаватт қувватли қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилди. Самарқанд вилоятининг Нуробод тумани ҳудудида 100 мегаватт қувватли йирик қуёш фотоэлектр станцияси 2022-йилда ишга туширилди. Шунингдек, 2023-2024-йилларда Қорақалпоғистон, Сурхондарё, Жиззах, Самарқанд вилоятларида умумий қуввати 1197 мегаватт бўлган 5 та қуёш ва шамол электр станциялари фойдаланишга топширилади. Бухоро ва Навоий вилоятларида ҳар бирининг қуввати 500 мегаваттдан бўлган 3 та шамол электр станцияси 2024 - 2025-йилларда ишга туширилиши кутилмоқда. Жами ҳисобда яқин 2026- йилга бориб Республикада умумий қуввати 8 000 МВт га teng бўлган қуёш ва шамол электр станциялари, 868 мегаватт қувватга эга гидроэлектр станциялари ишга туширилади.

Фақатгина 2022-йилнинг ўзида умумий қуввати 1 474 МВт бўлган 7 та янги электр станция ишга туширилди:

- Бухоро вилоятида қуввати 270 МВт бўлган газ-поршенли иссиқлик электр станцияси;
- Тошкент вилоятида қуввати 240 МВт бўлган буғ-газ курилмаси;

- Хоразм вилоятида қуввати 174 МВт бўлган йирик иссиқлик электр станцияси;
  - Тошкент вилоятида қуввати 230 МВт бўлган газ-поршенли иссиқлик электр станцияси;
  - Тошкент вилоятида қуввати 240 МВт бўлган замонавий иссиқлик электр станцияси;
  - Самарқанд вилоятида қуввати 100 МВт қуввати бўлган қуёш фотоэлектр станцияси;
  - Сирдарё вилоятида қуввати 220 МВт бўлган янги иссиқлик электр станцияси.
- Электр станциялари бир йилда 11 млрд. 300 млн. КВТ электр энергияси ишлаб чиқаради. Йилига 1 миллиард 503 миллион метр куб табиий газ тежалиб, асосийси ушбу секторда 545 нафар янги иш ўрни яратилди.

Хулоса ва таклифлар. Бу ривожланиш истиқболлари Ўзбекистон Республикасида «яшил» иқтисодиётни ривожлантириш учун муҳимдир. "Яшил" иқтисодиёт «яшил» технологияларга асослангандағина самарадор бўлиб, замонавий жаҳон иқтисодиётининг талабидир. Ўзбекистон ҳукумати томонидан бу истиқболлар устида ишлаш ва муваффақиятли натижаларга эришиш учун қонунлар, қоидаларни амалга ошириш ва ташкилий тадбирларни олиб бориш зарурияти мавжуд.

Улардан фойдаланиш орқали экологик муҳитни сақлаш, энергия самарадорлигини ошириш, табиий ресурсларни самарали фойдаланиш ва ижтимоий ижро интизомини мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлади.

Бу йўналишлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Қонунлар ва норматив-хуқуқий ҳужжатлар: Ўзбекистон Ҳукумати томонидан «яшил» иқтисодиётнинг ривожланишини таъминлаш мақсадида қонунлар, қарорлар, низомлар ва норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши, тарқоқ қонунчилик ҳужжатлари оптималлаштирилиши зарур. Зеро, бу ҳужжатлар «яшил» иқтисодиёт соҳасидаги амалиётларни тартибга солиш, энергия самарадорлигини ошириш, атроф-муҳитни сақлаш, энергия тақсимотини мустаҳкамлаш ва бошқа муҳим масалаларни белгилайди.
- Экологик норматив-хуқуқий асослар: Экологик муҳитни сақлаш, табиий ресурсларни самарали фойдаланиш ва экологик ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида экологик норматив-хуқуқий асослар ўрнатилиши, атроф-муҳитни сақлаш, сув ресурсларини ҳимоя қилиш, атроф муҳитга зарар етказадиган фаолият турларини чеклаш ва бошқалар каби масалаларни белгилайди.
- “Яшил” иқтисодиёт соҳасида фаоллик кўрсатувчи тадбирларга молиявий ёрдам бериш, энергия самарадорлигини ошириш учун имтиёз бериш, альтернатив энергия манбаларини ўрнатиш учун молиявий қўллаб-қувватлаш «яшил» иқтисодиёт соҳасидаги фаолиятни кучайтириш ва инвестицияларни жалб қилишга йўл очади.

- Экологик сертификатлаш: Экологик сертификатлаш тизими, экологик маҳсулотларнинг сертификатлашганлигини тасдиқлади ва истеъмолчиларга экологик маҳсулотларни танлаш имконини беради. Ўзбекистон Республикасида экологик сертификатлаш тизими давомида экологик муҳитга зарар етказмайдиган, табиий ресурсларни самарали фойдаланишга асосланган ва экологик талабларга риоя қиласидиган маҳсулотларга сертификат берилади.
- Инвестицион ҳамкорлик: “Яшил” иқтисодиётни ривожлантиришда инвестициялар ва ҳамкорликлар муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон ҳукумати, «яшил» иқтисодиёт соҳасидаги инвестицияларни ва сифатли экологик лойиҳаларни жалб қилиш учун молиявий ва институционал имтиёзлар, юрисдикция соҳасидаги имтиёзлар, инвестиция кўрсаткичлари ва бошқа ҳамкорликлар режаларини таклиф этиши лозим.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 17.01.2019 йилдаги ПФ-5635-сон
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги ПҚ-436-сонли “2030 йилгача ўзбекистон республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш бўйича чоратадбирлар тўғрисида” Қарори
3. 2023 йилнинг 29 сентябрида Вазирлар Маҳкамасининг «Яшил» иқтисодиётга ўтиш жараёнини бошқариш тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 514-сонли қарори
4. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2022 йил 14 декабрдаги «Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентлар ролини кучайтириш тўғрисида»ги резолюцияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қўшма қарори, 29.12.2022 йилдаги 2816-IV-сон қарори.
5. «Иқлим ўзгариши соҳасида давлат харажатлари ва институционал таҳлил: Ўзбекистон» нашри БМТ Тараққиёт Дастири (БМТТД) 2023 йил.